

Болалар савол берганда...



10:21 / 09.12.2021 3377

Отанинг табассуми

Бола дадасидан сўраяпти:

- Табассумим билан табассумингиз орасида қандай фарқ бор?

Дадаси деди:

- Сен хурсанд бўлганигда табассум қиласан. Мен эса, сени хурсанд ҳолда кўрганимда табассум қиламан.

Аллоҳ таоло шундай марҳамат қилади:

أَرِيغْصَ يِنَايِّبَرِ أَمَكِ أُمُّهُمَّخْرَابَّرِ

«Роббим, алар мени кичикликда тарбия қилганларидек, уларга раҳм қилгин» (Исро сураси, 24-оят).

Қалбларни парчаламанг!

Бир бола онасининг қабри ёнига келиб ўтирди ва шундай деди: «Онажон, мен билан уйга боринг. Муаллим мени доим уради. Ҳамма талабаларни олдида мени изза қилади. «Онанг бепарво аёл. Сенга ҳеч эътибор бермайди. Сени ўз ҳолингга ташлаб қўйган» деб мени йиғлатади.

Эй Одам боласи, бировни гап билан ўлдиришдан олдин айтадиган сўзларингни тарозида тортиб кўр!

Фаросат

Болакай усти сочиқ билан ёпилган идишда нимадир олиб кетаётган эди. Ёши каттароқ киши ундан «Идишда нима олиб кетяпсан?» деб сўради. Шунда бола: «Агар идишда нима борлигини бошқалар ҳам билиши керак бўлганида, устини сочиқ билан беркитиб олмаган бўлардим» деди.

Фаросат катта неъматлардан биридир!

Бахтли бўлмоқчиман!

Агар мен кичкина болакай бўлиб қолсам ва мендан: «Катта бўлганингда ким бўлмоқчисан? Нимани истайсан?» деб сўрасалар, мен уларга: «Табиб бўлмоқчиман» ёки «Учувчи бўлмоқчиман» деб айтмайман. Уларга биргина сўз: «Бахтли бўлмоқчиман» деб айтаман.

Шояд уйғонсалар

Икки болакай бирининг ҳовлисида ўйнапти. Шунда уй эгаси бўлган бола оғайнисига деди:

- Секинроқ гапир, шовқин солма! Уйда дадам ухляптилар, уйғониб кетадилар.

Буни эшитган дўсти мана бундай деди:

- Унда юр, менинг дадамнинг қабрлари яқинида ўйнаймиз. Шояд уйғонсалар!

«Эркак»

Бола отасидан сўрабди: «Отажон, «эркак» нима дегани?»

«Эркак дегани кучли, фарзандлари олдидаги масъулиятни ҳис қиладиган, уларнинг ишларига эътибор берадиган ҳамда уларнинг роҳатда яшаши учун ўзи бедор бўладиган инсондир» деб жавоб берибди отаси.

Шунда болакай: «У ҳолда мен ҳам онамга ўхшаган «эркак» бўлишни орзу қиламан» дебди.

Улар тозаловчилар

Бола отасига: «Уйимиз олдида ахлатчи келди» деди. Шунда ота: «Эй ўғилчам, ахлатчи бизмиз. У эса уйимизни ахлатлардан тозаловчидир. Бизга ёрдам бергани келган» деб тушунтирди.

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда шундай деб марҳамат қилган:

رَجُلٌ أَوْ سَانِلٌ أَوْ دُوقٌ وَأَرَانٌ مُّكَيِّلٌ هَؤُؤْ مُّكْسُفِنًا أَوْقُ أُوْنَمَآ نِيْدَلُ أَوْيَا أَي
نُورَمُؤِي أَمَنَؤُلُغَفَيَوُؤُ مُمَرَمَ أَمَؤَلَلِ نِؤُصْنَعِي أَلِؤُؤِشُؤُ طَالِغُؤُؤُ كِئِأَلِ مَؤُؤَلِغ

«Эй иймон келтирганлар! Ўзингизни ва аҳли аёлингизни ёқилғиси одамлару тошдан бўлган оловдан сақланг. Унинг тепасида қўпол, дарғазаб фаришталар бўлиб, улар Аллоҳнинг амрига исён қилмаслар ва нимага буюрилсалар, шуни қилурлар» (Таҳрим сураси, 6-оят)

Болаларимиз бугун нозик қўлчалари билан қўлимизни маҳкам ушлаб ёнимизда, бағримизда эркаланиб ўтиради. Агар уларга Аллоҳ таолони,

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламни, Динни, Қуръони Каримни, ҳадиси шарифларни, ҳалол-ҳаромни ўргатмасак, нозик қўлчалар йўғон қўлга айланиб, қиёмат куни ёқамиздан олади. Агар зиммамиздаги ота-оналик, устозлик бурчини бажармасак, дўзах ёқилғисига айланиб қолишимиз мумкин. Аллоҳ асрасин! Дўзахни кўрмасликни, ҳидини тотмасликни, иссиғини ҳис қилмасликни истасак, фарзандларимизга тўғри тарбия берайлик! Тўғри тарбия – Исломиё тарбиядир!

Ишни нимадан бошлаш керак?

Китоб дўконига бориб, Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф раҳимаҳуллоҳнинг қаламларига мансуб «Бахтиёр оила», «Соғлом бола» китобларини сотиб оламиз. Ўзимизни ҳам, болаларимизни ҳам шу китоблар асосида тарбия қиламиз. Аллоҳ таолонинг изни, иродаси билан натижа чиройли бўлади.

Аллоҳ таоло барчамизни фарзандларимизни шариатга мувофиқ тарбия қиладиган ота-оналар бўлишини насиб этсин, У Зот барчамизни Ўзининг ҳидоятидан айирмасин ва хотимамизни чиройли қилсин!

Интернет маълумотлари асосида Нозимжон Ҳошимжон тайёрлади